

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ДУСТМУХАМЕДОВА ДИНОРА ХАМИДОВНА

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ЭНТЕРАЛ ЕТИШМОВЧИЛИКДА
МИТОХОНДРИАЛ ДИСФУНКЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Дустмухамедова Динора Хамидовна

Болаларда сурункали энтерал етишмовчиликда митохондриал
дисфункциянинг ахамияти 3

Дустмухамедова Динора Хамидовна

Значение митохондриальной дисфункции при хронической
энтеральной недостаточности у детей..... 19

Dustmukhamedova Dinora Hamidovna

Importance of mitochondrial dysfunction in children with chronic enteric
insufficiency 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 38

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ДУСТМУХАМЕДОВА ДИНОРА ХАМИДОВНА

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ ЭНТЕРАЛ ЕТИШМОВЧИЛИКДА
МИТОХОНДРИАЛ ДИСФУНКЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib52 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида ва «ZiyoNet» ахборот - таълим порталига жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Камилова Алтиной Турсунбаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамансурова Эльмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хайбуллина Зарина Руслановна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 10» август кунли соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (537 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «19» июл кунли тарқатилди.
(2021 йил «19» июл даги 110 рақамли реестр баённомаси.)



[Handwritten signatures in blue ink]

А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н.Хайтов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ичакларнинг сурункали касалликлари кенг тарқалганлик даражаси, клиник кўринишларининг жиддийлиги, нохуш оқибатлари, самарали таъсир кўрсатувчи дори-дармонлар етишмовчилигига боғлиқ ҳолда педиатрия соҳасидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...гастроэнтерологик патологиялар структурасида сурункали энтерал етишмовчилигига олиб келадиган Целиакиянинг турли клиник шакллари учраши 0,7 дан 1.4% гачани ташкил қилади...»¹. Энтерал етишмовчилик билан намоён бўлувчи ичак касалликлари орасида рефрактер шакллар частотаси ва асоратлари билан характерланувчи целиакия ҳамда оғир постинфекцион энтероколитлар алоҳида ўрин эгаллайди ва бу ушбу касалликлар патогенезнинг янги йулларини аниқлаш ва энтерал етишмовчиликни даволашга янги ёндашувлар ишлаб чиқилишини тақозо этмоқда.

Жаҳонда хужайрада энергия алмашинуви бузилишларининг турли патологик жараёнлар кечишидаги ролини аниқлаш, эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эҳтибор қаратилмоқда. Бу борада энергетик алмашинув модуляторлари сифатида фитоэкдистероидлардан фойдаланиш, сурункали энтерал етишмовчилиги бўлган болаларда митохондриал дисфункцияни аниқлаш, фитоэкдистероидларнинг ишқорий фосфорланиш кўрсаткичларига самарадорлигини синаб кўриш, сурункали энтерал етишмовчилик моделида ингичка ичаклар шиллиқ қавати ҳолатини ўрганиш, ўрганилаётган патологияда овқат ҳазм қилиш ҳолатига экдистеннинг таъсирини баҳолашга асосланган ҳолда даволаш тадбирларини белгилаш педиатрия соҳасида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан, болаларда касалликларни эрта ташхислаш, даволаш, олдини олиш ҳамда асоратлар частотасини камайтиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «... диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»² каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги даражага кўтариш, жумладан, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларни эрта ташхислашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-

¹WHO. World health statistics, 2013; WHO.Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2020 йил 10 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий адабиётлардаги маълумотларга кўра ишқорий стресс фақатгина целиакция билан боғлиқ бўлмасдан, касаллик патогенезида етакчи омил бўлиши ҳам мумкин (Vesna Stojiljković 2009). Глутатион танқислиги, глутатионпероксидаза ва глутатионредуктазалар фаоллигининг пасайиши бундай беморларнинг антиоксидант ҳимоясини камайтиради. Натижада шиллиқ қаватларда липидлар перекиси миқдори ортади ва бу миқдорнинг ортиши энтероцитларда прооксидант силжишни келтириб чиқаради ҳамда уларнинг пролифирацияси, дифференциацияси ва апоптотик жавобларга таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, даволанмаган целиакцияли беморларда ёмон сифатли ўсмалар ривожланишига сабаб бўлади. Митохондриял функциянинг бузилиши экспериментал колит ўтказган сичқонларда (Han J, Zhao Q., 2016), ичакнинг яллиғланиш касалликлари (IBD) (Novak E.A., Mollen K.P., 2015) зўрайишида яққол намоён бўлди. Фаол целиакцияли катта ёшли беморлар қон зардобиде суксинаддегидрогеназа фаоллиги пасайиши ҳақида маълумотлар мавжуд.

Хорижий муаллифларнинг маълумотига кўра, ичак касалликларида хужайра энергиясининг холатини ёритувчи жуда кам клиник ва экспериментал тасаввурлар мавжуд. Ичакнинг сурункали яллиғланиш касалликлари ва озикланишни етишмовчилиги бўлган беморларда нафас занжири комплексини сусайиши аниқланган (Francoise Briet 2003).

Ўзбекистонлик олимлар томонидан энергетик алмашинув модулятори сифатида левзеисофлоровид ва туркистон живучкасидан олинган, хужайралар биоэнергетикасига таъсир кўрсатувчи фитозекдистеороидлардан фойдаланишга бағишланган жигар касалликларига бағишланган тадқиқотлар эътиборга лойиқ (Сыров В.Н., Абдумажидова Ш.У. 2004).

Юқорида айтилган муаммо долзарб бўлиб, шу муносабатда болаларда ичакнинг сурункали касалликларини тўғри ташхислаш ва даволашнинг

информатив усулларини тадиқ этиб илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурати мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №К-11-006 рақамли «Болаларда энтерал етишмовчиликда хужайра энергетикаси бузилишининг диагностикаси ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда сурункали энтерал етишмовчиликда митохондриял дисфункциянинг аҳамиятини аниқлаш ҳамда даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали энтерал етишмовчилик (целиакия ва сурункали энтероколит) бўлган болаларда энергетик алмашинув ҳолатини баҳолаш;

сурункали энтерал етишмовчилик бўлган болаларда овқат ҳазм бўлиши ва хужайра энергетикаси бузилиши билан характерланувчи кўрсаткичлар орасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

ўсаётган каламушларда сурункали энтерал етишмовчилик моделида ингичка ичак шиллиқ қаватига ишқорий фосфорланиш кўрсаткичлари ва гистоструктурасига фитоэксдистероидларнинг таъсирини аниқлаш;

болаларда сурункали энтероколит ва целиакия касаллигида клиник кўринишлар динамикаси ва овқат ҳазм қилиш ҳолатига фитоэксдистероидларнинг таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий амалий тиббиёт марказида 130 нафар ичак касалликлари билан оғриган ҳамда 30 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети биокимёвий текширувлар учун болаларнинг периферик қон ҳамда ўсаётган каламушларнинг ўн икки бармоқ ичак биоптати, жигар биоптати материаллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, функционал-инструментал (УЗД, ЭКГ), биокимёвий (АТФ, АДФ, сут ва пироузум кислоталари, ПОЛ), морфологик, статистик тадқиқот услларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

болаларда сурункали энтерал етишмовчилик (целиакия ва сурункали энтероколит) да анаэроб гликолизнинг ортиши, липидлар перекис оксидланиши тизимида прооксидантнинг ортиши ва антиоксидантнинг камайиши билан характерланувчи оксидли фосфорилланишнинг бузилиши исботланган;

целиакия ва сурункали энтероколитли болаларда ингичка ичакларда сўрилишнинг пасайиши ва қон зардобида сут кислотаси миқдорининг ортиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик исботланган;

ўсаётган каламушларда энтерал етишмовчилик моделида ингичка ичак шиллиқ қавати гиперрегенератор атрофиясига ишора қилувчи I мажмуа ва

гистоморфологик белгилар устуворлигида митохондрий суспензиясида нафас олиш занжирининг ажралиши тарқалиши асосланган;

ўсаётган каламушларда сурункали энтерал етишмовчилик моделида ингичка ичаклар морфометрик кўрсаткичларининг яхшиланиши ва митохондрийларда энергетик баланс тикланишига экдистеннинг стимулловчи таъсир кўрсатиши исботланган;

целиакия ва сурункали энтероколитли болаларда хазм қилиш транспорти конвейерининг тикланиши, клиник кўринишлар динамикасига экдистеннинг самарали таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

энтерал етишмовчилик бўлган болаларда хужайра энергетикаси бузилишларининг клиник кўринишлари исбатланган;

болаларда сурункали ичак касалликларида митохондриял етишмовчиликнинг ахборотли ва мавжуд биокимёвий маркерлари исботланган;

болаларда целиакия ва сурункали энтероколитнинг оғир шаклларида мажмуий терапия касалликнинг клиник кўринишларини бартараф этиш, ингичка ичаклар гидролитик-транспорт фаоллигини ошириш имконини берадиган экдистеннинг қўлланилиш истиқболлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали энтерал етишмовчилик бўлган болаларда ичакларнинг сурункали касалликлар клиник манифестацияси, кечиши ва башоратига митохондриял етишмовчиликнинг таъсири аниқланганлиги, ишлаб чиқилган энергетик бузилишларни коррекциялашнинг асосланган усуллари педиатрия соҳасида илмий тадқиқотларнинг такомиллаштирилишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган янгиланган даволаш усуллари целиакия ва сурункали энтероколитли болаларда энергетик етишмовчиликни ўз вақтида аниқлаш ва коррекциялаш, ушбу контингент болаларда ногиронликни камайтириш ва яшаш сифатининг яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда сурункали ичак касалликларининг диагностикаси ва уни даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда учрайдиган ичакнинг сурункали касалликларини клиник белгиларига қараб баҳолаш ва самарали ташхислаш бўйича ишлаб чиқилган «Болаларда сурункали энтерал етишмовчиликда хужайра энергетикасининг

бузилишлари характери» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 8/94-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали энтерал етишмовчиликда хужайра энергетикасининг бузилишлари характерини аниқлаш асосида болаларда энергетик бузилишларни эрта аниқлаш ва шу асосда касалликнинг асоратларини олдини олиш имконини берган;

болаларда ичакнинг сурункали касалликларида митохондриял етишмовчиликни даволаш асосида ишлаб чиқилган «Болаларда сурункали энтерал етишмовчиликда энергетик алмашинувни коорекциялаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 8/95-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали энтерал етишмовчиликда энергетик бузилишларни эрта аниқлаш ва корекциялаш имконини берган.

Болаларда сурункали ичак касалликларининг диагностикаси ва уни даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Тошкент шаҳар Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, Жиззах вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 апрелдаги 8н-д/91-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ташхислаш, даволашда сарф-харажатларни қисқартириш, асоратлар сонини камайтириш ҳамда беморларнинг стационар даволаниш муддатини 5,6 ўрин/кунга қисқартириш орқали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда ремиссия даврини узайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Энтерал етишмовчилик патогенезида энергетик алмашинувнинг роли ва фитоэкидстероидларнинг хужайра энергетикаси функционал фаолияти ҳолатига таъсири**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар асосида сурункали энтерал етишмовчиликда хужайра энергетикасини аниқлаш ҳамда фитоэкидстероидларнинг хужайра энергетикаси функционал фаолияти ҳолатига таъсири ҳақидаги замонавий қарашларнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ичак касалликларида энергетик алмашинувнинг роли, бузилишлар профилактикаси ва даволаш мезонлари, хужайра энергетикаси фаоллигига фитоэкидстероидларнинг таъсири борасидаги бугунги кунга қадар ўз ечимини топмаган жиҳатларга тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материал ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материал, тадқиқот усуллари ва даволаш услублари батафсил баён этилган. Тадқиқотни амалга ошириш давомида ичак касалликлари билан оғриган 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган 130 нафар бола текширувдан ўтказилди. Бунда ўғил болалар 45,4%, қиз болалар 54,6% ни ташкил этди. Уларнинг 55 нафар (42,4%)ида целиакия, 75 нафар (57,7%)ида ўткир ичак инфекцияси (ЎИИ) оғир шаклидан кейин шаклланган ва полифермент етишмовчилиги билан кечувчи сурункали энтероколит ташхисланган. Беморларнинг ўртача ёши $4,3 \pm 1,2$ ёш. Целиакия (Ц)ли болаларда касалликнинг ўртача давомийлиги – $4,7 \pm 0,3$ йил, сурункали энтероколит (СЭ) да $2,7 \pm 0,24$ йилни ташкил этди ($P < 0,01$).

Целиакия ташхиси ESPGHAN (1999) мезонлар асосида тасдиқланди.

Касалликнинг клиник кўриниши (ўтказилган ЎИИ билан боғлиқлик, ич кетишининг ич қотиши билан алмашиниши, ичакларнинг шишиши), нутритив статуснинг пасайиши (целиакия, муковисцидоз, озик-овқат аллергияси) каби ҳолатлар бўлмаганда сурункали энтероколит ташхиси кўйилди.

Ичак касалликлари бўлган болаларнинг жисмоний ривожланиши динамикада Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти стандартлари (ЖССТ, 2006) асосида баҳоланди.

Ингичка ичакнинг лактаз фаоллиги ҳолатини ўрганишда лактоза билан юклама тести ўтказилди. Бунда ингичка ичакларда сўрилиш функцияси 1г/кг тана вазни ҳисобида per os глюкоза ичирилиб, 30 ва 60 минутдан кейин глюкозаоксидаз усулида шакар миқдорини аниқлаш билан глюкозатолерант тести орқали аниқланди. Бир соат давомида гликемиянинг 1,1 ммоль/л дан ортиши норма ҳисобланди.

Пироузум ва сут кислотаси «Basis Secomat» (Франция, 2003) анализаторида аниқланди. Текширувлар КУИ лабораториясида (профессор В.Н.Сиров раҳбарлигида) ўтказилди.

Аденозинтрифосфат ва Аденозиндифосфат «ЛКВ» (Швеция) газ-суюқлик хроматографида хроматографик усулда, сўнгра спектрометлаш билан СФ «ВЕКМАН» аниқланди. Илмий текширишлар РИПИАТМ лабораториясида (профессор А.Н.Арипов раҳбарлигида) ўтказилди.

Липид переоксидланиш маҳсулотлари И.Д.Стальной, Т.Г.Гаришвили ва V.Yshihara усулларида, каталаза ва супероксид дисмутаза эса М.А.Королюк (2008) усулида аниқланди.

Ишнинг экспериментал қисми Ўзбекистон Миллий университети лабораториясида олиб борилди. Ушбу жараёнда тажрибаларни амалга оширишда лаборатория оқ каламушларидан фойдаланилди. Каламушлар насл бергач, улар 2 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ каламушларига фақат перорал физиологик эритма (1-назорат) берилди; иккинчи гуруҳ каламушларида тўйиб овқатланмаслик йўли билан сурункали энтерал етишмовчилик модели яратилди. 30-кунга бориб сурункали энтерал етишмовчилик яратилган каламушлар 3 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳга 10 кун давомида, яъни ҳаётининг 30–40-кунлари 1мг/кг дозада экдистен, иккинчи гуруҳга 1мг/кг дозада аюстан юборилди. Учинчи гуруҳ назорат гуруҳи ҳисобланди. Каламушларни сўйиш улар ҳаётининг 40-кунда амалга оширилди. Тажрибада 36 та каламуш устида тадқиқотлар ўтказилди. Митохондрийлар 40 кунлик каламушлар жигаридан Шнейдер (1956) усулида дифференциал центрифугалаш билан ажратилди. Кларк ёпиқ платин электродидан фойдаланган ҳолда LP–7 поларограф (Чехия) ёрдамида оксидловчи фосфорланиш параметрлари ва митохондрийнинг нафас олиш тезлиги ўлчанди. Каламушларнинг ингичка ичаклари гистоструктураси Тошкент тиббиёт академияси Анатомиа ва оператив хирургия кафедрасида (профессор Т.А.Сагатов раҳбарлигида) ўтказилди.

Энтерал етишмовчилик бўлган болаларда мажмуий даволашда препаратлар самарадорлигини баҳолаш учун 2 гуруҳ беморлар солиштирилди: 1-гуруҳга кирувчи 60 нафар (Ц ва СЭли) болалар базис терапия (элиминацион парҳез – целиакияли беморларда сутсиз ва глютенсиз, панкреатик ферментлар, кўрсатмага кўра ичак антисептиклари, биопрепаратлар, цинк сульфати, витаминлар ва кўрсатмага кўра қисман парентерал овқатлантириш), 2-гуруҳга кўшимча дори препарати олаётган (14 кун давомида суткасига 1 мг/кг тана вазнига базис терапия + экдистен) 70 нафар (Ц ва СЭли) болалар киритилди.

Нazorат гуруҳини 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган 30 нафар амалий соғлом болалар ташкил этди.

Олинган натижаларга Microsoft Office Excel – 2010 дастурий пакети ёрдамида статистик ишлов берилди. Бунда ўртача арифметик кўрсаткич (M), уларнинг стандарт хатоликлари (m), ишончли интерваллар (σ) ва Стъудент t-мезони бўйича ишончли фарқлар вариацион статистика усулида ҳисобланди. Натижалар $p < 0,05$ бўлганда статистик аҳамиятга эга ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Беморларни клиник ва лаборатор характеристикаси**» деб номланган учинчи бобида клиник кўринишлар ва овқат ҳазм қилиш функцияси ҳолати, шунингдек, нозологиядан келиб чиққан ҳолда энергетик алмашинув бузилишлари таҳлил қилинган. Энтерал етишмовчилик бўлган болалар учун энг асосий ва ахборотли симптом тана вазнини етишмаслиги бўлиб ҳисобланади. Антропометрик кўрсаткичлар солиштирма таҳлил қилинганда ўта озиб кетиш (ОЭЕ – оксил-энергетик

етишмовчилиги) фақат Ц бўлган беморларда кузатилди (12,7%; $P<0,001$). ОЭЕ ўртача оғирлик даражаси Ц бўлган беморларда 40,0%, СЭли беморларда 20,0% ҳолатда қайд этилди ($P<0,01$).

Касалликнинг клиник кўринишлари, маҳаллий тадқиқотчилар илмий изланишларида ёритилганидек, диарея синдроми, овқат ҳазм бўлишининг турли даражали бузилишлари, метаболик бузилишлар билан ифодаланди (Н.Р.Алиева, 2018). Ц ва СЭли болаларда энергия алмашинуви бузилишлари билан боғлиқ клиник кўринишлар орасида турли даражада намоён бўлувчи белгилар – Цли беморларда тери таранглиги ($p<0,01$), юрак тонлари бўғиқлиги ($p<0,05$) устуворлик қилди.

1-жадвал

Текширилган болаларда энергия алмашинуви бузилишларининг клиник кўринишлари

Клиник белгилар	Целиакия(п=55)		СЭ(п=75)		χ^2	P
	Абс.	%	Абс	%		
Ҳолсизлик, тез чарчаш	29	52,7	34	45,3	0,69	$>0,05$
Тери таранглиги ва эластиклигининг пасайиши	39	70,9	34	45,3	8,43	$<0,01$
Мушаклар гипотонияси	46	83,6	59	78,6	0,50	$>0,05$
Юрак тонларининг бўғиқлиги	31	56,3	29	38,6	4,00	$<0,05$
Тахикардия	33	60,0	42	56,0	0,21	$>0,05$
Бош оғриғи	39	70,9	51	68,0	0,13	0,723

Тадқиқотлар давомида Ц ва СЭли беморлар қон плазмасида аденил нуклеотид АТФнинг миқдори сезиларли камайиши кузатилди. Ц бўлган беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткич $118,6\pm 4,53$ нмоль/л, СЭли беморларда – $116,2\pm 5,4$ нмоль/л, назорат гуруҳида – $133,3\pm 5,3$ нмоль/л ни ташкил этди ($P<0,05$). АДФ кўрсаткичларининг камайиши Цли беморларда $11,1\pm 2,3$ нмоль/л, СЭда – $8,9\pm 1,6$ нмоль/л, меъёрда – $20,2\pm 2,1$ нмоль/л бўлди ($P<0,001$). Бу эса нафақат АДФ ишлаб чиқарилиши, балки хужайралар мембранаси транспорт механизмларининг бузилишларини ҳам исботлайди (В.С.Сухоруков, 2008). Ц ва СЭли гуруҳдаги болаларда АТФ ва АДФ коэффиценти нисбатининг ортиши (АТФ/АДФ) қайд этилди ва мос ҳолда Цда – 1,7, СЭда – 12,9, назорат гуруҳида – 6,6 ни ташкил қилди.

Ц ва СЭли беморларда анаэроб жараёнларнинг фаоллашиши ўрганилганда иккала гуруҳда ҳам қон зардобиди лактаза миқдори ортишга мойиллиги кузатилди: Цда – $10,9\pm 0,9$ мг%, СЭда – $10,0\pm 0,2$ мг% (назорат $9,04\pm 0,9$ мг%).

Липидларни перекисли оксидланиши ўрганилганда, МДА (2-жадвал) миқдорини ортиши кузатилди, Ц ва СЭда, мос равишда назоратга нисбатан 1,7 ва 1,9 мартаба юқори ($P<0,001$).

СЭ болалар гуруҳида Цли болалар гуруҳига нисбатан диенли конюгат (ДК) пастлиги аниқланди ($P<0,01$). Антиоксидант тизими (СОД ва каталаза) кўрсаткичлари ҳам иккала гуруҳда ишончли паст бўлди ($P<0,001$). Гуруҳлар орасида сезиларли фарқлар аниқланмади.

Хужайрада энергия алмашинувининг бузилиши ва овқат ҳазм қилиш ҳолати орасида ўзаро боғлиқлик ўрганилганда, СЭли беморларда ичакларда сўрилишнинг пасайганлиги (-0,41) ва қон зардобида сут кислотаси миқдори орасидаги тесқари боғлиқлик аниқланди;

2-жадвал

Целиакция ва сурункали энтероколитли болаларда липидларни перекис оксидланиши ва антиоксидант фаоллиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ц (n=55)	СЭ (n=75)	Назорат (n=30)
МДАНмоль/м	7,8±0,6***	8,7±1,7*	4,5±0,36
ДКЕ/мл	2,4±0,3	1,9±0,2**	2,7±0,15
СОДЕд/мл	12,4±1,1***	10,8±2,5***	27,5±3,5
КТМкат/л	8,3±0,9*	8,2±0,6**	16,8±3,2

Изох: * –фарқ назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли (* –P<0,05; ** – P<0,01; *** –P<0,001).


Цда мембранада ҳазм бўлиш фаоллиги ва супероксидмутаза кўрсаткичлари орасида тўғри корреляция (0,36) қайд этилди ва бу ўз навбатида СЭда сўрилишга ацидознинг таъсирини кўрсатади, Цда эса ингичка ичакда сўрилишнинг пасайиши организмнинг антиоксидант тизими пасайиши билан параллел кечганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Фитоэкдистероидларни ўсаётган каламушларда сурункали энтерал етишмовчилик моделида ингичка ичак шиллиқ қавати гистоморфологик кўрсаткичлари ва нафас занжири ҳолатига – НАДН дегидрогеназанинг таъсири» деб номланган тўртинчи бобида экспериментал тадқиқотлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тажрибалардан олинган маълумотларга кўра каламушларнинг лактация муддатида узоқ вақт оксилсиз праҳезда сақланиши назорат гуруҳига нисбатан 2 баравар кам вазн йиғишига олиб келишини кўрсатди. 10 кундан кейин каламушларнинг вазни тажриба гуруҳида назорат кўрсаткичига нисбатан ўртача 50% га фарқ қилиши аниқланди. Кам миқдорда оксилли парҳездеги каламушларда фосфорли оксидланиш кўрсаткичлари пастлиги қайд этилди. Митохондрий суспензиясининг кислород истеъмол қилиш тезлиги V3 функционал ҳолатда касал каламушларда назорат гуруҳидаги каламушларга нисбатан 2 баравар паст бўлди (64,15 нгатО/мин/мг оксил назорат гуруҳидаги 121,2га нисбатан). V4 ҳолатида кислород истеъмол қилиш тезлиги пасайиб, касал ҳайвонлар гуруҳида 13,27 нгат О/мин/мгт оксил, назорат гуруҳида эса тезлик 19,7 нгатО/мин/мг оксилга тенг бўлди. Одатий оксидланиш-фосфорланиш ажратувчиси 2,4-динитрофенол кўшилганда ҳам митохондрийларнинг ажралиши исботланди. Назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич – 123,9, касал ҳайвонлар гуруҳида – фақат 56,07 нгатО/мин/мг оксил. Митохондрийлар фаоллигининг функционал пастлиги ҳисобланган нафас назорати назорат гуруҳидаги ҳайвонларда 6,15, касал ҳайвонлар гуруҳида эса – 20%га пасайиб, 4,8ни ташкил қилди. АДФ/О нисбати ҳам пасайиб, назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 2,5 ва 2,8 бўлди.


Ингичка ичак шиллик қавати морфологик гистоструктураси ўрганилганда энтерал етишмовчилик бўлган каламушлар шиллик қавати шишган ва инфилтирланган, баъзи жойларида хужайра элементи атрофияга учраганлиги аниқланди. Шиллик қават қалинлиги меъёрдан 25% камлиги қайд этилди. Эпителиал хужайраларнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари тукчалар узунлигига таъсир қилди: назорат гуруҳига нисбатан 1,6 маротаба қисқа. Тукчалар қисқариши билан крипталарнинг ишончли чуқурлашиши кузатилди ($P < 0,001$).

Оқсил етишмовчилиги бўлган каламушлар 10 кун давомида аюстан препарати билан даволанганда яққол намоён бўлувчи терапевтик самара кузатилмади ва ушбу гуруҳда ўртача вазн кўшилиши атиги 8,7% ни ташкил қилди. Шунингдек, коррекцияловчи препарат сифатида экдистеннинг қўлланилиши каламушларда тана вазнининг сезиларли ортишига олиб келди – ўртача 45,5% га ва 10-кунга келиб ушбу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан 71%ни ташкил қилди (назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида ўртача 57,8%).



1-расм. Ҳайвонлар вазнига дори препаратларининг таъсири. Туғилгандан 40 кун ўтгач тортилган (гр).

Коррекцияловчи препарат сифатида экдистендан фойдаланилганда оксидланиш-фосфорланишнинг барча кўрсаткичлари назорат кўрсаткичларига яқинлашганлиги аниқланди – V3 ҳолатда кўрсаткич 93,72, V4 – 15,62, Vdnf – 109,34 нгатО/мин/мг оқсил.



2-расм. Каламушлар жигари митохондриysi суспензиясининг кислород истеъмол қилиш тезлигига дори препаратларининг таъсири (V – нафас тезлиги изолир МХ, V4 – тинч, V3 – фаол АДФ).

Митохондрий суспензиясининг кислород истеъмол қилиш тезлигига ажратувчини стимуллаш таъсири нафас занжирининг қаршилигини тиклашга олиб келди. Нафас назоратининг аҳамияти ҳам назоратга яқин бўлиб, 6 тага тенг бўлди, ҳатто АДФ/О нисбати назорат кўрсаткичидан ортди ва 3,03 ни ташкил қилди. Ингичка ичаклар деворлари ҳолатига Аюстан таъсирининг гистологик тадқиқотларидан олинган натижалар ушбу аъзо морфоструктураси қисман тикланиши ва яхшиланишга мойиллиги юзага келганлигини кўрсатди. Экдистен билан даволашдан кейин барча морфометрик кўрсаткичлар сезиларли яхшиланди.

Шиллиқ қават қалинлиги 1,3, туклар узунлиги 1,7, тукларда эритроцитлар миқдори 1,5 баравар ортди (3-жадвал).

3-жадвал

Сурункали энтерал етишмовчиликда тажрибадаги каламушлар ингичка ичак шиллиқ қавати гистоструктурасининг морфологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат	Тажриба (ЭН)	Экдистен	Аюстан
Шиллиқ кават қалинлиги	690±35,0	524,0±25,4***	700,0±28,7^^^	580,0±26,0*°°
Тукчалар узунлиги	491±27,0	304,0±11,3***	507,5±17,8^^^	368±27,0**^°°°
Крипта чуқурлиги	201±7,6	220,0±8,4	201,0±7,6	212,0±6,3
В/К	2,4	1,4	2,5	2,2
Тукчаларни узунлиги бўйича кесмада энтероцитлар миқдори	84,0±4,5	57,0±3,1***	84,0±5,0^^^	63±4,7*°°
-крипталар	36,0±1,0	33,0±0,9*	36,9±0,60^^^	34,0±0,56°°
Тукчаларни ён кесмасида бокалсимон хужайралар миқдори	14,8±0,4	16,0±0,4*	14,8±0,50^^^	13,5±0,4*^^^°
- крипталар	17,9±0,5	19,0±0,9	17,9±05^	16,0±0,8*^°

Изох: * –назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли (* –P<0,05; ** – P<0,01; *** –P<0,001), ^ –тажриба гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли (^ –P<0,05; ^^ –P<0,01; ^^ ^ –P<0,001), ° – экдистен гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан сезиларли(° –P<0,05; °° –P<0,01; °°° –P<0,001).

Диссертациянинг «Болаларда сурункали энтерал етишмовчилик мажмуий терапиясида экдистеннинг смарадорлигини баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида ичакларнинг сурункали касалликлари бўлган болаларда экдистен билан коррекциялаш самарадорлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Экдистенни тайинлаш самарадорлигини баҳолаш мақсадида болалар икки гуруҳга ажратилди. Асосий гуруҳни 30 нафар Ц бўлган, 40 нафар СЭли, ўзгартирилган даволаш шакли олаётган (базис терапия + экдистен) 70 нафар болалар ташкил қилди. Экдистен 14 кун давомида суткасига 1мг/кг дозада

қўлланилди. Ўтказилган терапия самарадорлиги даволашдан кейин ва 6 ойдан сўнг баҳоланди. Назорат гуруҳини базис терапия олган 25 нафар Ц бўлган ҳамда 35 нафар СЭли, жами 60 нафар бола ташкил этди.

Терапия фонида ичак диспепсияси белгиларининг яхшиланиши қорин шиши, ёўлдираши, абдоминал оғриқларнинг камайиши, полифекалия (Ц янгиланган усулда даволанган болалар гуруҳида 3 маротаба кўпроқ), стеаторея, амилорея ва креатореянинг камайиши (Ц янгиланган усулда даволанган болалар гуруҳида 4 маротаба кўпроқ) қайд этилди. СЭли болалар гуруҳида экдистен билан даволаш фонида қорин шиши ва оғриқлар кузатилмади ($P < 0,001$).

Бўй-вазн кўрсаткичлари динамикаси ўрганилганда базис терапия олган болаларда иккала гуруҳда ҳам тана вазни етишмаслиги сақланиб турди. Янгиланган даволаш усулида даволанган беморларнинг иккала гуруҳида ҳам ишончли вазн кўшилиши кузатилди. Кескин кам вазн Цли болаларнинг 20,0% ида аниқланди ва ушбу кўрсаткич даволанишдан кейин 3 баравар камайди (3,0%, $p < 0,01$). Солиштириш гуруҳида эса ушбу кўрсаткич 12,0% дан 8,0% ($> 0,05$) гача камайди. Худди шундай натижалар аввалдан ўртача-оғир даражада тана вазнини етишмаслиги бўлган СЭли болаларда ҳам кузатилди.

4-жадвал

Сурункали энтерал етишмовчиликда болаларда ТВИ кўрсаткичлари динамикаси

Болалар гуруҳлари	Даволанишгача				Даволанишдан 6 ой кейин			
	-2СО– -3СО		-3СО дан наст		-2СО– -3СО		3С–0 дан наст	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Ц								
Асосий гуруҳ, n=30	12	40,0	4	13,3	6	20*	1	3,0*
Солиштириш гуруҳи, n=25	10	40,0	3	12,0	8	32,0^	2	8,0^
СЭ								
Асосий гуруҳ, n=40	10	25,0	0	0	4	10,0*	0	0
Солиштириш гуруҳи, n=35	5	14,2	0	0	3	8,5^	0	0

Изох:* –маълумотларнинг даволанишгача ва даволанишдан кейин ишончилиги ($p < 0,01$); ^ –асосий ва солиштириш гуруҳидаги даволанишдан кейинги ишончилик ($p < 0,05$).

Янги даволаш шакли мембранада овқат ҳазм қилиниши кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди. Бунда иккала гуруҳ болаларида ҳам гликемиянинг ишончли ортиши тасдиқланди ($P < 0,001$).

Базис терапиядан кейин Цли гуруҳ болаларида гликемия миқдорининг ортиб боришга мойиллиги қайд этилди, бироқ уларнинг ишончли ортиши янгиланган усулда даволаш терапияси қўлланилишидан кейин кузатилди ($P < 0,001$). ГТТ кўрсаткичлари – $1,2 \pm 0,04$ ммоль/л, ЛТТ – $1,0 \pm 0,05$ ммоль/л. СЭли болалар гуруҳида янгича даволаш терапиясидан кейин ГТТ нинг ишончли ортиши ($1,4 \pm 0,07$ ммоль/л) ва ЛТТ ($1,2 \pm 0,03$ ммоль/л) қайд этилди

($P < 0,01$). Қон плазмасида аденил нуклеотидлар миқдори текширилганда, энтерал етишмовчиликда базис терапиядан кейин қон плазмасида АТФ миқдорининг ишончли ортиши кузатилмаганлигини таъкидлаш мумкин. Энтерал етишмовчиликда янгича даволаш терапияси фонида ушбу кўрсаткичнинг ишончли ортиши фақат СЭли гуруҳда қайд этилди, бироқ назорат кўрсаткичига етиб бормади ($P < 0,05$).

АДФ ни аниқлашда барча гуруҳ болаларида ушбу кўрсаткичнинг ишончли ортиши кузатилди ($P < 0,05$). Янгича мажмуий даволаш таъсирида АТФ ва АДФ коэффицентлари меъёргача камайди. Анаэроб гликолиз кўрсаткичлари иккала гуруҳ болаларида ҳам ўтказилган базис терапиясидан кейин қон плазмасида сут кислотаси миқдори дастлабки даражада қолганлигини кўрсатди.

5-жадвал

Энтерал етишмовчилик бўлган болалар қон плазмасида аденил нуклеотидлар миқдори динамикаси

нМоль/л	Назорат	СЭ		
		Даволанишгача (n=75)	Базис терапия (6 ойдан сўнг) (n=35)	Янги терапия (6 ойдан сўнг) (n=40)
АТФ	133,3±5,3	116,2±5,4*	128,6±6,2	131,5±5,8
АДФ	20,2±2,1	8,9±1,6***	16,5±2,9^	19,3±4,0^
АТФ/АДФ	6,6	12,9	7,79	6,82
нМоль/л	Назорат	Ц		
		Даволанишгача (n=55)	Базис терапия (6 ойдан сўнг) (n=25)	Янги терапия (6 ойдан сўнг) (n=30)
АТФ	133,3±5,3	118,6±4,5*	124,5±6,1	129,6±5,9
АДФ	20,2±2,1	11,1±2,3**	18,1±2,1^	19,3±3,2^
АТФ/АДФ	6,6	10,7	6,88	6,71

Изох: * –фарқ назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли ($* - P < 0,05$; *** – $P < 0,001$), ^ –даволанишгача маълумотлар фарқи сезиларли ишончли ($^ - P < 0,05$), ° –базис терапия гуруҳидаги маълумотлар билан фарқи сезиларли ишончли ($P > 0,05$).

Ушбу кўрсаткичнинг ишончли ортиши ҳатто янгича даволаниш ўтказилгандан кейин ҳам кузатилмади. Базис терапия ва янгиач даволаш усули ўтказилгандан кейин ОВП томонидан ишончли яхшиланиш қайд этилди ($P < 0,001$).

Қон зардобида сут кислотаси миқдори базис терапиядан кейин 2-гуруҳдаги болаларда дастлабки даражасида қолди, Ц – $9,56 \pm 0,8$, СЭда – $9,4 \pm 0,9$ мг%. Базис терапия ва янгиланган терапиядан кейин ОВП томонидан пасайиш кузатилди ($P < 0,001$).

Иқтисодий самарадорлиги. Таклиф этилаётган даволаш схемасининг оптималлаштирилиши ремиссия даврини узайтириш ва шу орқали стационарда даволаниш учун ётқизишлар сонини камайтириш имконини берди. Фитозекдистероид – экдистен олган болалар гуруҳида стационарда даволаниш учун ётқизишлар сони йилига $1,4 \pm 0,02$ мартаба, одатий терапия

олган болалар гуруҳида ушбу кўрсаткич йилига – $2,1 \pm 0,01$ мартабани ташкил қилди.

ХУЛОСА

1. Целиакия ва сурункали энтероклитли беморлар учун АТФ/АДФ нисбатининг ортиши хос бўлиб, бу фосфорланишнинг тезлашиши ва катаболизм реакцияси ривожланиши билан нафас назорати протон градиентининг пасайишини кўрсатади. Энтерал етишмовчилик бўлган болаларда антиоксидант тизим ҳолатини мажмуий баҳолаш липидлар перекисли оксидланиши фаоллигининг ишончли пасайиши билан кечади.

2. Хужайра энергия алмашинуви бузилиши ва овқат ҳазм қилиш ҳолати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ўрганилганда, СЭли беморларда ичакларда сўрилишнинг пасайиши ($-0,41$) ва қон зардобидида сут кислотаси миқдори ўртасида тескари боғлиқлик мавжудлиги аниқланди; Цда мембранада ҳазм бўлиш фаоллиги ва супероксидмутаза кўрсаткичлари орасида тўғри корреляция ($0,36$) қайд этилди.

3. Ўсаётган каламушларда сурункали энтерал етишмовчилик моделида экдистен, аюстанга нисбатан ингичка ичакда оксидланиш-фосфорланиш (V3, V4, Vdnf, АДФ/О ҳолатларида митохондриларни нафас олишни тиклайди) жараёнларини фаоллаштириш, ичакларда ҳазм бўлиш ва сўрилишни стимуллаш йўли билан тана вазнининг 1,5 бараварга ортишига олиб келди.

4. Ўсаётган каламушларда сурункали энтерал етишмовчилик моделида экдистен ингичка ичак шиллиқ қаватида гистоморфологик кўрсаткичларни яхшилади: назорат гуруҳига нисбатан шиллиқ қават қалинлигини 1,3, тукчалар узунлигини 1,6 бараварга оширади, криптилар чуқурлигини 1,4 бараварга камайтиради.

5. Мажмуий базис терапияга экдистеннинг қўшилиши ингичка ичакларда ҳазм қилишнинг барча бўғимларида касаллик симптомлари давомийлигини камайтиради ва уларнинг функциясини тиклайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ПЕДИАТРИИ МЗ РУз**

ДУСТМУХАМЕДОВА ДИНОРА ХАМИДОВНА

**ЗНАЧЕНИЕ МИТОХОНДРИАЛЬНОЙ ДИСФУНКЦИИ ПРИ
ХРОНИЧЕСКОЙ ЭНТЕРАЛЬНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ У ДЕТЕЙ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ–2021

Тема диссертациидоктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.1.PhD/Tib52.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре педиатрии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: КамиловаАлтинойТурсунбаевна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Шамансурова Эльмира Аманулаевна
доктор медицинских наук, профессор
Хайбуллина Зарина Руслановна
доктор медицинских наук

Ведущая организация: Центр развития профессиональной квалификации
медицинских работников

Защита диссертации состоится «10» августа 2021 г. в «13⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Адрес:100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223.Тел.:/факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за №539), (Адрес:100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223.Тел.:/факс: (+99871) 262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «19» июля 2021 года.
(реестр протокола рассылки №110 от 19 июля 2021 года).



[Handwritten signature]

А. В. Алимов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

[Handwritten signature]

К.Н. Хаитов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

[Handwritten signature]

Д. И. Ахмедова
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Хронические заболевания кишечника остаются одной из самых актуальных проблем педиатрии в мире из-за распространенности, тяжести клинических проявлений, побочных эффектов, отсутствия эффективных лекарственных препаратов. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «... частота различных клинических форм целиакии, приводящих к хронической энтеральной недостаточности, в структуре гастроэнтерологической патологии колеблется от 0,7 до 1,4% ...»². Целиакия и тяжелый постинфекционный энтероколит, характеризующиеся частотой и осложнениями рефрактерных форм, занимают особое место среди кишечных заболеваний, характеризующихся энтеральной недостаточностью, что требует разработки новых подходов к патогенезу этих заболеваний и лечению энтеральной недостаточности.

В мире особое внимание уделяется исследованиям, направленным на выявление роли нарушений энергетического обмена в клетке в течении различных патологических процессов, улучшение ранней диагностики, лечения и профилактики. В качестве модуляторов энергетического обмена интерес представляют исследования по использованию фитостероидов, что отражается, прежде всего, в положительных изменениях функционирования митохондрий. Выявление проявлений митохондриальной дисфункции у детей с хронической энтеральной недостаточностью, определение сравнительной эффективности фитостероидов на показатели окислительного фосфорилирования и состояние слизистой тонкой кишки в модели хронической энтеральной недостаточности и оценка эффективности эрдистена на состояние пищеварения и восстановление клеточной энергетики при изучаемой патологии определяет актуальность данного исследования в области педиатрии.

В то же время в нашей стране проводится широкомасштабная работа, направленная на совершенствование системы здравоохранения и социальной защиты населения, в частности, раннюю диагностику, лечение, профилактику заболеваний у детей и снижение частоты осложнений. В рамках мероприятий по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан "...поставлены важные задачи по внедрению современных методов диагностики и лечения, предоставлению высококачественных медицинских услуг, в том числе внедрению и развитию телемедицины"³. При выполнении этих задач важно поднять качество медицинских услуг на новый уровень, в том числе укрепить здоровье детей, разработать инновационные методы ранней диагностики заболеваний.

Данная научно-исследовательская работа соответствует задачам, поставленным в Государственных программах: №УП – 6610 от 12 ноября

² WHO. World health statistics, 2013; WHO.Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

³ Постановление Президента Республики Узбекистан от 25 мая 2021 года № ПП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения»

2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», ПП-4847 от 2 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления сферой здравоохранения», ПП-4887 от 10 октября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения», ПП-4891 от 16 декабря «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики V. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В зарубежной литературе имеются единичные исследования описания нарушения перекисного окисления липидов у взрослых пациентов с целиакией, согласно которых окислительный стресс не только связан с целиакией, но может быть важным фактором в патогенезе заболевания (Vesna Stojiljković 2009). Дефицит глутатиона, снижение активности глутатионпероксидазы и глутатионредуктазы значительно уменьшает антиоксидантную защиту этих пациентов, что приводит к высокой концентрации в слизистой оболочке перекиси липидов, повышение которых может вызывать прооксидантный сдвиг в энтероцитах, влияя на их пролиферацию, дифференциацию и апоптотические ответы, что является одной из причин развития злокачественных новообразований у нелеченных больных целиакией. Нарушение митохондриальной функции было продемонстрировано при обострении воспалительных заболеваний кишечника (IBD) (Novak E.A., Mollen K.P. 2015) и у мышей, перенесших экспериментальный колит (Han J., Zhao Q. 2016). Имеются сообщения о снижении активности суксинаддегидрогеназы в сыворотке у взрослых пациентов с активной целиакией.

В литературе имеются описания единичных экспериментальных и клинических исследований, освещающие вопросы состояния клеточной энергетики при заболеваниях кишечника. Исследованиями, проведенными Francoise Briet и др. (2003), установлено угнетения комплекса дыхательной цепи у больных с хроническими воспалительными болезнями кишечника при недостаточности питания.

В качестве модуляторов энергетического обмена интерес представляют исследования отечественных исследователей по использованию фитостероидов, выделенных из левзеисофлоровидной и живучки туркестанской на биоэнергетику клеток, характеризующегося прежде всего резкими изменениями функционирования митохондрий при заболеваниях печени (Сыров В.Н., Абдумажидова Ш.У. 2004).

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательской работы в Республиканском научно-практическом медицинском центре педиатрии по теме: К-11-006 «Разработка методов диагностики и лечения нарушения клеточной энергетики при энтеральной недостаточности у детей».

Целью исследования является определить значение митохондриальной дисфункции при хронической энтеральной недостаточности у детей, совершенствовать лечение.

Задачи исследования:

Изучить состояние энергетического обмена у детей с хронической энтеральной недостаточностью (целиакия и хронический энтероколит).

